

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 1 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР  
ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 1 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL  
SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазратқулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яҳшиликов Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Хошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шуҳрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салаҳутдинова Мушарраф Исламутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Рахман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуротовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Хашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;  
**Тайланова Шохидা Зайнисевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васила Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – психология фанлари доктори (DSc), доцент. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузур Ҷавлат бошқаруви академияси;

**Умарова Навбаҳор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиги.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содикова Шохидা Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атакуллович** –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иктисадиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси хисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Шаисламова Наргиза Кабиловна  
КОРХОННИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ РИСК  
ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ..... 7-20

- Mavru洛va Nilufar Abduxalilovna  
TIBBIY SUG'URTA: AMALDAGI TURLARINI RIVOJLANTIRISH VA MAJBURIY  
TURINI JORIY ETISH IMKONIYATLARI ..... 21-29

### ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

- Маматқулов Давлатжон Махаматжонович  
ИСЛОМ ФОЯЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ  
МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ..... 30-36

- Umarjonov Sohibjon Soyibjon o 'g 'li  
IBN SINONING "ISHORALAR VA TANBEHLAR" ASARI VA POSTKLASSIK ISLOM  
FALSAFASINING BOSHLANISHI ..... 37-50

### ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

- Ahmedov Oybek, Tilavova Malika  
SEMANTIC STRUCTURE OF WORDS RELATED TO EDUCATION IN  
ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ..... 51-62

- Ашуррова Ситора Эркиновна  
ВАЖНОСТЬ КОМПЬЮТЕРОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКОВ ..... 63-69

### ЮРИДИК ФАНЛАР

- Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи  
СУДНИНГ ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ..... 70-77

- Авезова Элеонора Параҳатовна  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ  
ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ..... 78-86

- Ахмедова Шахноза Озоджоновна  
СООТНОШЕНИЕ ОЦЕНКИ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И  
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ..... 87-95

### ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

- Tashpulatov Farxad Alisherovich  
GANDBOLCHILAR O'YIN FAOLIYATI SAMARADORLIGINI HAR TOMONLAMA  
BAHOLASH METODIKASI ..... 96-104

<i>Парманов Абулқосим, Абдурашидова Мавжуда</i>	
ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕСКАРИ ФУНКЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ ҲАҚИДА .....	105-110
<i>Hamrayeva Zuhro Bahodirovna</i>	
BOLALARNI GO'DAKLIK DAVRIDAN SUZISHGA O'RGATISH ORQALI JISMONIY RIVOJLANISHINI TAKOMILLASHTIRISH .....	111-119
<i>Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи</i>	
ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ЛОЙИХАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	120-126
<i>Абдурахмонова Сайёрахон Шахобидиновна</i>	
АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ – БЎЛҒУСИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА .....	127-135
<i>Shermatov Gulom Kaxxorovich</i>	
“5-1” HIMOYASINI BAJARISHDA GANDBOL O'YINCHILARINING TAKTIK O'ZARO TA'SIRI .....	136-143

*Иқтисодиёт фанлари*

**Шаисламова Наргиза Кабиловна**

ТМИ, “Баҳолаш иши ва инвестициялар”

кафедраси катта ўқитувчиси

Тел: (90)1293097, (93)5824280,

E-mail: [shaislamovan2002@gmail.com](mailto:shaislamovan2002@gmail.com)

## КОРХОНАНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ РИСК ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА



<https://doi.org/10.47390/1342V3I1Y2023N1>

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон тижорат банкларида корхонанинг кредитга лаёқатлилигини пухта баҳолаш орқали риск даражасини пасайтириш имконияти ёритилган. Корхонанинг кредиттага лаёқатлилигини баҳолаш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибалар таҳлил қилинган ва риск даражасини пасайтириш бўйича муаллифлик таклифи берилган.

**Калит сўzlар:** кредит, кредиттага лаёқатлилик, тижорат банклари, кредитлаш, комплекс таҳлил, ликвидлик, самарадорлик, молиявий барқарорлик, риск, корхонанинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари, рисклар таҳлили.

**Шаисламова Наргиза Кабиловна**

ТФИ, старший преподаватель кафедры

“Оценочное дело и инвестиции”

## ОЦЕНКА КРЕДИТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ КАК СРЕДСТВО СНИЖЕНИЯ УРОВНЯ РИСКА

**Аннотация:** В статье описаны возможности снижения уровня риска коммерческих банков Узбекистана путём совершенствования оценки кредитоспособности предприятия. Проанализирован отечественный и зарубежный опыт оценки кредитоспособности предприятия и разработано авторское предложение по снижению уровня риска.

**Ключевые слова:** кредит, кредитоспособность, коммерческие банки, кредитование, комплексный анализ, ликвидность, эффективность, финансовая устойчивость, риск, качественные и количественные показатели предприятия, анализ риска.

**Shaislamova Nargiza Kabilovna**  
TIF, Senior Teacher of the Department  
Valuation and Investments

## **ASSESSMENT OF THE CREDITWORTHINESS OF AN ENTERPRISE AS A MEANS OF REDUCING THE LEVEL OF RISK**

**Abstract:** The article describes the possibilities of reducing the level of risk of commercial banks in Uzbekistan by improving the assessment of the creditworthiness of an enterprise. Analyzed domestic and foreign experience in assessing the creditworthiness of the enterprise and developed the author's proposal to reduce the level of risk.

**Keywords:** credit, creditworthiness, commercial banks, lending, comprehensive analysis, liquidity, efficiency, financial stability, risk, qualitative and quantitative indicators of the enterprise, risk analysis.

---

### **Кириш.**

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида инвестиция ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун барча иқтисодий, сиёсий ва хуқукий асос ва шарт-шароитлар яратилган. Лекин, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий самарадорлигини объектив баҳолаш, баҳолашнинг жаҳонда кенг тарқалган усулларидан амалиётда фойдаланишни таъминлаш, жумладан лойиҳага таъсир этувчи риск турларини баҳолаш усулларини ва рискларни пасайтириш йўлларини такомиллаштириш хозирги инвестиция жараёнларини янада ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Замонавий шароитларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштиришни ривожлантиришда рисклар, уларни баҳолаш ва пасайтириш йўлларини қўллашни такомиллаштириш масалаларига эътибор бериш лозим. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи иқтисодиётнинг энг йирик бўгини сифатида Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор бериш зарур. 2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида: «молия бозорида teng рақобат шароитларини яратиш, фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, банк хизматларини модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш»[1] кабилар белгилаб берилганлиги банк рискларини пасайтиришга катта аҳамият бериш кераклигини тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларини баҳолаш ва уларни пасайтиришнинг самарали усусларини қўллаш мақсадида қарз оловчи корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашни такомиллаштиришга эътибор бериш муҳим вазифалардан бирига айланди, деб таъкидлаш мумкин. Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини пухта ва ишончли баҳоланиши нафакат банк рискларини пасайтириш, балки корхоналар учун кредитни қайтара олмаслик рискини қисқартиришга қаратилганлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга, деб айтиш мумкин.

### **Мавзуга оид адабиётлар шархи.**

Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолаш, компания ва ташкилотларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили, қарз оловчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш, иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатини таҳлили ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш масалалари илмий тадқиқот ишларида ёритиб берилган<sup>1</sup>.

Фикримизча, корхонанинг кредитга лаёқатлилиги ва тўловга қобиллиги – бу унинг узоқ муддатли қарзлар ва улар бўйича фоизларни ўз вақтида қайтара олиш, қарзга хизмат кўрсатишни таъминлай олиш имконияти. Корхона қанчалик кредитга лаёқатли, тўловга қобил бўлса, у шунчалик банкротликдан ҳимояланган хисобланади.

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги бир қатор кўрсаткичлар билан тавсифланади. Кўрсаткичлар миқдори чекланмайди ва хизмат кўрсатилаётган мижозлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда хар бир тижорат банки томонидан мустақил тарзда белгиланади.

«Банк томонидан корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда кредит инспекторлари томонидан асосий эътибор берадиган жихат бу баланс ликвидлилиги ёки ноликвидлилиги масаласидир. Бунинг зарурый жиҳати шундаки, ноликвид балансга эга бўлган корхоналарга қолган мезонлар яхши

<sup>1</sup> Анализ и оценка кредитоспособности заемщика : учебно-практическое пособие / Д.А.Ендовицкий, И.В.Бочарова. — М. : КНОРУС, 2005. - 272 с. ; Ендовицкий Д.А., Бахтин К.В., Ковтун Д.В. Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, 2016. 376 с.; Лиференко Г.Н. Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.-М.: Экзамен, 2005. с.160.; Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.-Т.: Iqtisod-Moliya. 2017. 732 б.; Азизов У.Ў ва бошқалар. Банк иши.-Т.: Фан ва технология, 2016. 640 б.; Мавланов Н.Н. Корхона кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва уни комплекс таҳлилини такомиллаштириш. «Халқаро молия ва хисоб» илмий электрон журнал. 2016. №3, 9 б.; Маматов Б.Ш., Куллиев И.Я., Пулатова М.Б. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Монография.-Т.:Extremum-press, 2016. 112 б.; Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўкув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.

чиққан ҳолатда ҳам банк кредити ажратилмайды. Баланс ликвидлилиги ўз айланма маблаглари нақдлигини мавжуд бўлишига қараб баҳоланади. Ўз айланма маблаглари нақдлигининг пастлиги бу корхона ликвидлилиги юқори бўлган активларни қарз ҳисобига шакллантирганидан далолат беради.

Тижорат банклари ва корхоналар томонидан кўллаб келинаётган тартибларда кредитга лаёқатлилигини айрим жиҳатларигагина ўз аксини топганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу таомиллар умумий кредит қарорлари юзасидан яқуний хulosага келишга тўла имкон бермайди. Шу сабабли, корхонанинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил этишда комплекс таҳлилни амалга ошириш зарурдир»[2].

Кредитга лаёқатлиликнинг баҳолашнинг комплекс таҳлили қўйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона ликвидлилик кўрсаткичлари ва баланс ликвидлиги таҳлили;
- корхона маблаглари айланишини таҳлили;
- корхона фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили;
- молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили.

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини молиявий кўрсаткичлар асосида комплекс таҳлил қилиш ва баҳолаш қуйидаги 1-жадвалда берилган.

## 1-жадвал.

### Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигига молиявий кўрсаткичлар асосида баҳолаш [4,6]

Комплекс таҳлил таркиби	Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Изоҳ
Корхонанинг ликвидлик кўрсаткичлари	Жорий ликвидлик коэффициенти	<u>ПМ+ҚММҚ+ДҚ+ТМЗ</u> <u>ҚММ</u>	ПМ-пул маблаглари ҚММҚ- қисқа муддатли молиявий қўйилмалар
	Тез ликвидлик коэффициенти	<u>ПМ+ҚММҚ+ДҚ</u> <u>ҚММ</u>	ДҚ-дебитор қарздорлик ТМЗ-товар-моддий захиралар
	Мутлак ликвидлик коэффициенти	<u>ПМ+ҚММҚ</u> <u>ҚММ</u>	ҚММ- қисқа муддатли мажбуриятлар
	Баланс ликвидлиги	<u>ЎММ+УММ-УМА</u>	ЎММ-Ўз маблағларининг манбай УММ- Узок муддатли мажбуриятлар УМА- Узок муддатли активлар
Корхона маблағларини айланиши таҳлили	Корхонанинг жорий активларини айланиш кўрсаткичлари	. МСТ . (Адб+Адо)/2	МСТ-максулот сотишдан тушум (2-Ш 010-сатр) (Адб+Адо)/2- жорий активларнинг ўртacha йиллик қиймати (1-Ш 390-сатр)

	Корхонанинг дебиторлик қарзлари кўрсаткичлари	<u>. МСТ .</u> (ДМдб+ДМдо)/2	(ДМдб+ДМдо)/2- Дебиторлик мажбуриятларининг ўртача йиллик қиймати (1-Ш 210-сатр)
	Корхонанинг кредиторлик қарзлари кўрсаткичлари	<u>. МСТ .</u> (ККдб+ККдо)/2	(ККдб+ККдо)/2- Кредиторлик мажбуриятларининг ўртача йиллик қиймати (1-Ш 601сатр)
	Товар моддий захиралари айланувчанлиги	<u>. МСТ .</u> (ТМЗдб+ТМЗдо)/2	(ТМЗдб+ТМЗдо)/2- Товар-моддий захираларининг ўртача йиллик қиймати (1-Ш 140-сатр)
Корхона фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	Жорий активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA)	<u>СФ</u> <u>ЖА</u>	СФ-соф фойда (2-Ш 270-сатр) ЖА-жорий активлар (1-Ш 390-сатр)
	Хусусий капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE).	<u>СФ</u> <u>ХК</u>	ХК- хусусий капитал (1-Ш 480-460-470-сатр)
	Сотиш рентабеллик кўрсаткичи (ROS)	<u>ЯФ</u> <u>МСТ</u>	ЯФ-ялпи фойда (2-Ш 030-сатр) МСТ-махсулот сотишдан тушган соғ тушум (2-Ш 010-сатр)
Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили	Мустақиллик коэффициенти	<u>ХК</u> <u>ЖМК</u>	ХК- хусусий капитал (1-Ш 480-460-470-сатр) Жами мол-мулк қиймати (1-Ш 780-сатр)
	Қарз ва ўз маблаглари ўртасидаги нисбат коэффициенти	<u>. М .</u> <u>ХК</u>	М-мажбуриятлар (1-Ш 770-сатр)
	Хусусий капитал харакатчанлик коэффициенти	<u>ЎОМ</u> <u>ХК</u>	ЎОМ- ўз оборот маблаглари (1-Ш 480+490-130- сатр)

Жаҳон амалиётида мижознинг кредитга лаёқатлилиги кредит муносабатларининг мақсадга мувофиқлигини аниқлашдаги асосий баҳолаш обьектларидан бири ҳисобланади. Ривожланган давлатлар банк амалиётида, «6С», «CAMPARI», «PARTS» моделларидан кенг фойдаланилади. Ушбу моделлар кўп параметрларни ўз ичига олганлиги сабабли корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда энг тўғри қарор қабул қилиш имконини беради (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Кредитга лаёқатлиликни баҳолашда  
халқаро моделларнинг тавсифи [6]**

Белгилар	Маъноси	Тавсифи
«6С» усули		
C	Character	Корхона имижи, обрўси
C	Capacity	Молиявий имконияти
C	Capital	Капитал ёки мол-мулк
C	Collateral	Таъминланганлик
C	Conditions	Шарт-шароитлар
C	Control	Назорат
«CAMPARI» усули		
C	Character	Корхона имижи, обрўси
A	Ability	Кредитни қайтаришга қобиллиги
M	Margin	Маржа, даромадлилиги
P	Purpose	Кредитнинг мақсади
A	Amount	Кредит миқдори
R	Repayment	Кредитни қайтариш шартлари
I	Insurance	Таъминланганлиги
«PARTS» усули		
P	Purpose	Кредит мақсади
A	Amount	Кредит миқдори
R	Repayment	Кредитни қайтариш шартлари
T	Term	Кредитни бериш муддати
S	Security	Кредитни тўлашни кафолатлаш, таъминланганлик

Тижорат банклари томонидан мижозларининг кредитга муносабатлари юзасидан ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқади. Лекин уларнинг барчасида битта мухим жиҳатга, яъни мижознинг кредитга қодирлилигини, лаёқатлилигини баҳолашга аҳамият қаратилмоғи лозим.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Таҳлиллар ва ўрганишлар шундан далолат бермоқдаки, инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи рискларни баҳолашда қарз оловчи корхонанинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш мухим рол ўйнайди. Бунда қарз оловчининг кредитга қобиллигини сифат ва миқдор кўрсаткичлари асосидаги скоринг таҳлили асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда тижорат банкларида мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш босқичлари 1-расмда ифодаланган. Бунда асосий эътибор қарз

олувчиларнинг молиявий ҳолатини сифат кўрсаткичлари ва миқдорий кўрсаткичлар асосида баҳолашга қаратилган ва унинг натижаларига қараб молиялаштириш масаласи кўриб чиқлади.

Карз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилитетини **«СТОП»-факторлар** орқали автоматик равишда баҳолаш.



Карз олувчиларни **сифат кўрсаткичлари** асосида скоринг таҳлил қилиш, бунда қуйидаги асосий сифат кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- кредит тарихи;
- қарздор фаолият кўрсатаётган соҳанинг умумий ҳолати;
- етказиб берувчи ёки буортмачиларга боғликлек;
- бизнес обрўси;
- корхонанинг эгалланган бозор сегментидаги иш тажрибаси, йил;
- иштирокчи(раҳбар)нинг иш тажрибаси, йил;
- қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлантириши мумкин бўлган суд жараёнига жалб этилиши (даъволар умумий миқдорининг қарз олувчи активларининг умумий миқдорига нисбати сифатида аниқланади);
- қарздорнинг бопка партномалар бўйича ва бопка кредиторлар олдилиги мажбуриятларни бажариппи тўгрисида маълумот.



Ҳар бир сифат кўрсаткичи бўйича белгиланган баллар ушбу кўрсаткичга белгиланган скоринг салмоги (0,4)га кўпайтирилади ва уларнинг йигиндиси орқали сифат кўрсаткичига белгиланган умумий балл аниқланади.



Карз олувчиларни **миқдорий (молиявий) кўрсаткичлари** асосида скоринг таҳлил қилиш, бунда молиявий ҳолатини баҳолашда қуйидаги асосий молиявий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- абсолют ликвидлик коэффициенти;
- жорий ликвидлик коэффициенти;
- дебитор қарзларнинг айланниш коэффициенти;
- кредитор қарзларнинг айланниш коэффициенти;
- товар моддий заҳираларининг айланниш коэффициенти;
- операцион фойда коэффициенти;
- ўз капитали самарадорлиги (ROE);
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти;
- япни самарадорлик;
- молиявий мустақиллик коэффициенти;
- фоизларни қоплаш коэффициенти.



Ҳар бир миқдорий кўрсаткич бўйича белгиланган баллар ушбу кўрсаткичга белгиланган скоринг салмоги (0,6)га кўпайтирилади ва уларнинг йигиндиси орқали миқдорий кўрсаткичига белгиланган умумий балл аниқланади.



Қарздорнинг якуний молиявий ҳолатига баҳо умумий жамланган баллар бўйича ўрнатилган меъёрий кўрсаткичларни хисобга олиш йўли билан аниқланади

## 1-расм. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини сифат ва микдор кўрсаткичлари асосидаги скоринг таҳлили босқичлари<sup>1</sup>

1-расмда ифодаланган кредитлашнинг дастлабки босқичида қарздор томонидан тақдим этилган хужжатлар, тегишли ахборот воситалари орқали олинган қарздорга тегишли бўлган маълумотлар қуидаги мезонлар («СТОП»-факторлар) орқали таҳлил қилинади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини «СТОП»-факторлар орқали баҳолаш

Т/р	Белгиланган мезонлар («СТОП»-факторлар)	Таҳлил натижаси
1	Хавфсизлик хизматининг салбий хулосаси мавжудлиги	ҲА / ЙЎҚ
2	Банқда 90 кундан ошган муддати ўтган қарздорлиги мавжудлиги	ҲА / ЙЎҚ
3	Бошқа молия-кредит ташкилотларида 90 кундан ошган муддати ўтган қарздорлиги мавжудлиги	ҲА / ЙЎҚ
4	Банк ёки бошқа молия-кредит ташкилотларида ҳисобдан чиқарилган (воз кечилган) қарздорликлар мавжудлиги	ҲА / ЙЎҚ
5	Банк ёки бошқа молия-кредит ташкилотларида суд жараёнидаги қарздорликлар мавжудлиги	ҲА / ЙЎҚ
6	Муддатида тўланмаган қарздорликлар (К-2) мавжудлиги	ҲА / ЙЎҚ
7	Банкротлик ҳолатлари, жараёнлари мавжудлиги	ҲА / ЙЎҚ
8	Ўз маблағларининг манфий кўрсаткичи ( <i>балансдаги жами ўз маблаглари миқдори манфий сон бўлса</i> )	ҲА / ЙЎҚ
9	Ноликвид балансга эга бўлса ( <i>ўз маблаглари манбаи ва узоқ муддатли мажбуриятларининг йигиндиси узоқ муддатли активлари суммасидан кам бўлса</i> )	ҲА / ЙЎҚ
10	Хисобот даврида (йилида) қарз олувчи фаолиятининг зарар билан якунланганлиги ( <i>молиявий ҳисоботлардан аниқланади</i> )	ҲА / ЙЎҚ

Кредитлашнинг дастлабки босқичида қарздор томонидан тақдим этилган хужжатлар ва тегишли ахборот-коммуникация воситалари ҳамда маълумотлар базаси орқали олинган маълумотлар банк томонидан белгиланган мезонлар («СТОП»-факторлар) орқали таҳлил қилинади. Таҳлил натижасида қарздорга тегишли маълумотларда бир ёки бир нечтасида салбий омиллар мавжудлиги кузатилса, банк томонидан юқори таваккалчиликни олдини олиш мақсадида кредит бериш автоматик равишда рад этилади.

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

«СТОП»-фактордан муваффақиятли ўтган лойиха ҳужжатлари таҳлил қилиш учун кейинги босқичга ўтказилади. Ҳар бир сифат кўрсаткичи бўйича белгиланган баллар ушбу кўрсаткича белгиланган скоринг салмоғи (0,4)га кўпайтирилади ва уларнинг йигиндиси орқали сифат кўрсаткичига белгиланган умумий балл аниқланади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Қарз олувчининг сифат кўрсаткичлари бўйича баллни ҳисоблаш усули<sup>1</sup>

Сифат кўрсаткичлари	Яхши	Ўрта	Ёмон	Кўрсатки ч салмоғи
Бериладиган балл	2	1	0	40%
Кредит тарихи	муддати ўтган қарздорлиги йўқ ёки 30 кунгача	муддати ўтган қарздорлиги 30 кундан 60 кунгача	муддати ўтган қарздорлиги 60 кундан ортиқ	0,2
Карздор фаолият кўрсатаётган соҳанинг умумий ҳолати	соҳада барқарор ўсиш тенденцияси мавжуд	ўсиш динамикаси ижобий, аммо ташки омилларга боғлик	соҳа ривожланишининг бекарор динамикаси кузатилмоқда	0,05
Етказиб берувчи ёки Буормачиларга боғлиқлик	етказиб берувчи ёки буюртмачилар га боғлиқлик мавжуд эмас	бир марталик битимлар тузилган	12 ой ичидаги шартномалар тузмаган ва илгари тузилган шарт-номалар муддати аллақачон тугаган	0,1
Бизнес обрўси	бизнес обрўси ижобий, оммавий ахборот воситаларида салбий маълумотлар йўқ	ишбилармонлик обрўси ижобий, оммавий ахборот воситаларида салбий ахборот фонининг мавжудлиги	салбий ишбилармонлик обрўси, тасдиқловчи манбалардан олинган маълумотлар мавжуд-хавфсизлик хизмати холосаси	0,05
Корхонанинг эгалланган бозор сегментидаги иш тажрибаси, йил	7 ва ундан ортиқ	3 йилдан 7 йилгacha	3 йилдан кам	0,1
Иштирокчи (рахбар)нинг иш тажрибаси, йил	3 йилдан ортиқ тажриба	1 йилдан 3 йилгacha	1 йилдан кам	0,15
Карздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлаштириши мумкин бўлган суд жараёнига жалб	йўқ ёки 5% гача	5% дан 25% гача	25% дан ортиқ	0,15

<sup>1</sup> «Ипак йўли» АИТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

этилиши				
Карздорнинг бошқа шартномалар ёки кредиторлар олдидағи мажбуриятларни бажариши түгрисида маълумот	Охирги 12 ой давомида баҳолаш вақтида муддати ўтган қарздорлик йўқ	30 кунгача бўлган муддати ўтган қарзлар тўғрисида маълумотлар мавжуд	30 кундан ортиқ муддати ўтган қарзлар тўғрисида маълумотлар мавжуд	0,2

Корхонанинг сифат кўрсаткичлари таҳлилидан сўнг, миқдорий кўрсаткичлар таҳлилига ўтилади. Ҳар бир молиявий (миқдорий) кўрсаткич бўйича белгиланган баллар ушбу кўрсаткичга белгиланган скоринг салмоғи (0,6) га қўпайтирилади ва уларнинг йигиндиси орқали молиявий кўрсаткичга белгиланган умумий балл аниқланади (5-жадвал). Қарздорнинг якуний молиявий ҳолатига баҳо умумий жамланган баллар бўйича ҳисобга олиш йўли билан аниқланади.

### 5-жадвал

#### Қарз олувчининг миқдорий кўрсаткичлари бўйича баллни ҳисоблаш усули<sup>1</sup>

Молиявий кўрсаткичлар	Яхши	Ўрта	Ёмон	Кўрсаткич салмоғи
<b>Бериладиган балл</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>0</b>	<b>60%</b>
Абсолют ликвидлик коэффициенти	>0,1	0,05 - 0,1	<0,05	0,1
Жорий ликвидлик коэффициенти	> 1,5	1,5 – 1,0	<1,0	0,1
Дебитор қарзларнинг айланиш коэффициенти	< 90 кун	< 180 кун	< 360 кун	0,05
Кредитор қарзларнинг айланиш коэффициенти	< 90 кун	< 180 кун	< 360 кун	0,05
Товар захираларнинг айланиш коэффициенти	ўтган йил ва жорий йилнинг охирги хисобот даврига ўсиш кузатилди	жорий йилнинг хисобот даврида ўсиш кузатилди	ўсиш динамикаси и кузатилмади	0,05
Операцион фойда коэффициенти	> 10 %	10 – 5 %	< 5%	0,2
Ўз капитали самарадорлиги (ROE)	> 0,8	0,3 – 0,7	0,2 ва <0,2	0,1
Ўз айланма маблаглари билан таъминланганлик коэффициенти	>0,4	0,2 - 0,4	0,1 и <0,1	0,1
Ялпи самарадорлик коэффициенти	> 15 %	15 – 10 %	< 10%	0,1
Молиявий мустақиллик	> 40 %	40 – 20 %	< 20%	0,1

<sup>1</sup> «Ипак йўли» АИТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

коэффициенти				
Фоизларни қоплаш коэффициенти	>0,3	0,3 – 0,15	<0,15	0,05

Карздорнинг якуний молиявий ҳолатига баҳо умумий жамланган баллар бўйича ўрнатилган қуидаги меъёрий кўрсаткичларни ҳисобга олиш йўли билан аникланади:

Молиявий ҳолати	Умумий жамланган баллар миқдори
Барқарор	1,5 (ҳисобга олинади) дан 2 гача
Яхши	1,2 (ҳисобга олинади) дан 1,5 гача
Қониқарли	0,8 (ҳисобга олинади) дан 1,2 гача
Ёмон	0,3 ҳисобга олинади) дан 0,8 гача
Банкротлик ёқасида	0,3 дан паст

Ўтказилган таҳлил натижаларига асосан якуний молиявий ҳолати «барқарор» ҳамда «яхши» бўлган хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар ажратиш тавсия этилади.

Карз оловчи корхонанинг кредитга лаёқатлилигини таҳлили қилиш ва баҳолаш амалга ошириб бўлингандан сўнг, инвестиция лойихаси самарадорлигини баҳолаш ва лойихага таъсир этувчи рискларни баҳолаш босқичлари амалга оширилади.

Инвестиция лойихаси самарадорлигини таъминлашда баҳолаш кўрсаткичлари мезонларига амал қилиш рискларнинг таъсир доирасини юмшатишда ва инвестициялаш бўйича тўғри қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади ва буни қуидаги 4-жадвалда ифодалаш мумкин.

#### 4-жадвал

### Инвестиция лойихаларига таъсир қилувчи рискларни баҳолаш усуслари ва мезонлари<sup>1</sup>

Инвестиция лоихасига таъсир қилувчи рискларни баҳолаш усуслари	Мезонлари	
	Лойиха молиялаштиришга қабул қилинади	Лойихани молиялашдан воз кечилади
Зарарсизлик нуктасини аниқлаш усули (Break-even point)	Лойиха бўйича маҳсулот хажми (ёки ишлаб чиқариш қуввати) зарарсизлик нуктасидан баланд бўлса	Лойиха бўйича маҳсулот хажми (ёки ишлаб чиқариш қуввати) зарарсизлик нуктасидан паст бўлса
Сезгирик таҳлили усули (Sensitivity analysis)	Лойиханинг самарадорлик кўрсаткичлари лойиха параметрларининг ўзгаришига сезгирик (рискка таъсирчан) бўлмаса ва лойиха барқарор	Лойиханинг самарадорлик кўрсаткичлари лойиха параметрларининг ўзгаришига сезгирик (рискка таъсирчан) бўлса ва лойиха нобарқарор

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

	деб топилса	деб топилса
Сценарийлар усули (Method scenario)	Тузилган сценарийларнинг (оптимистик, реалистик, пессимистик)нинг барчаси ёки иккитасида лойиха самарали деб аниқланса	Тузилган сценарийларнинг барчаси ёки иккитасида лойиха самарасиз деб аниқланса
Математик усуллар (дисперсия, вариация)	Вариация коэффициенти 10 фоиздан паст бўлса ва риск даражаси паст деб баҳоланса	Вариация кўрсаткичи 33 фоиздан баланд ва риск даражаси баланд деб баҳоланса
Қарорлар дарахти усули (Decision tree method)	Лойихага киритилган қўйилмаларни қайта баҳолаш ҳамда лойихани амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ўзгаришларга тезкор чора-тадбирлар кўришни ҳисобга олиш орқали самарадорликни баҳолашда натижা ижобий бўлса	Лойихага киритилган қўйилмаларни қайта баҳолаш ҳамда лойихани амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ўзгаришларга тезкор чора-тадбирлар кўришни ҳисобга олиш орқали самарадорликни баҳолашда натижা салбий бўлса
Монте-Карло усули (Monte Carlo method)	Барча тузилган сценарийларда лойиха самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича ижобий натижалар салмоги салбий натижалар салмогидан баланд бўлса	Барча тузилган сценарийларда лойиха самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича ижобий натижалар салмоги салбий натижалар салмогидан паст бўлса

Юқорида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

- инвестиция лойихаларига таъсир қилувчи риск омилларини аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва самарали бошқариш мақсадида «СТОП-фактор», «Бэк-тест», «Рисклар харитаси» ва «Стресс-тест» усулларидан фойдаланган ҳолда риск омилларини сифат кўрсаткичлари салмоги чегарасини 40 фоиз ва миқдорий кўрсаткичлар салмоги чегарасини 60 фоиз этиб белгилаш асосида молиялаштиришга қабул қилиш зарур;
- инвестиция лойихаларига таъсир этувчи рискларни кетма-кетлик ва комплекс тарзда баҳоловчи усулларидан фойдаланиш мақсадгага мувофиқдир.

### Хулоса ва таклифлар.

Инвестиция рискларини сифатли таҳлил этиш ва баҳолашда қуидаги масалаларга катта эътибор бериш лозим: лойиха кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларнинг тезкор йиғилиши ва ҳаққонийлиги; инвестиция лойихаси рискларини таҳлилини амалга оширувчи эксперт-аналитикларнинг малака даражаси ва тажрибасининг етарли бўлиши; рисклар таҳлилини амалга оширишда қўлланиладиган усулларнинг лойиха хусусиятларига ва риск турларига мослиги; инвестиция лойихалари рискларини баҳолашда комплекс баҳолаш ишларини амалга ошириш лозим, яъни рискларни баҳолашда факат битта баҳолаш усули билан кифояланмасдан, балки объектив (статистик ва ҳисобот маълумотларига асосланган) усуллар ҳамда субъектив (эксперт фикрига

асосланган) усуллар, шунингдек, сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш усулларининг интеграциясига асосланган комплекс баҳоланиши лозим. Бунда битта усулнинг камчилиги иккинчи усулнинг афзалиги билан қопланади ва рискларни мукаммал баҳоланишига эришилади [8]; рискларни баҳолаш усуллари хориж тажрибаларига ва айниқса, ахборот коммуникация технологияларига асосланган бўлиши лозим.

Инвестиция лойихаларига таъсир этувчи рискларни баҳолашда қарз оловчи корхона лаёқатлилигини баҳолашдан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва муаллиф томонидан таклиф этилган босқичлар асосида кетма-кетлик бўйича кредитга лаёқатлилик ва рисклар таҳлил қилиниб баҳоланса, банкларнинг кредит рискини пасайтириш ҳамда корхоналар учун кредитни қайтара олмаслик рискини қисқартиришга эришиш мумкин бўлади.

Хорижий иқтисодчи олимлар томонидан таклиф этилган кредитга лаёқатлиликни баҳолаш моделлари бир қанча сифат ва миқдорий кўрсаткичларни ўз ичига олганлиги сабабли корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда энг тўғри қарор қабул қилиш имконини беради.

Фикримизча, инвестиция лойихаларига таъсир қилувчи риск омилларини баҳолаш мақсадида риск омилларини сифат кўрсаткичлари салмоги чегарасини 40 фоиз ва миқдорий кўрсаткичлар салмоги чегарасини 60 фоиз этиб белгилаш асосида молиялаштиришга қабул қилиш зарур.

Лойиха рискларини таҳлил қилиш асосида олинган натижаларга асосида рискларни бошқаришни тўғри ташкил этиш ва рискларни пасайтириш усулларининг тўғри танлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.-Т.: Iqtisod-Moliya. 2017. 732 б.
3. Азизов У.Ў ва бошқ. Банк иши.-Т.: Фан ва технология, 2016. 640 б.
4. Мавланов Н.Н. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделини такомиллаштириш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал. 2018. №4, 15 б.
5. Маматов Б.Ш., Қуллиев И.Я., Пулатова М.Б. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Монография.-Т.:Extremum-press, 2016. 112 б.

6. Moliyaviy tahlil. Darslik. / M.Y.Raximov, N.N.Kalandarova; – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 736 б.
7. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув кўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.
8. Шаисламова, Н. (2022). ЭФФЕКТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ РИСКАМИ ПРОЕКТА В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. Scienceproblems.Uz, 1(4), 10. <https://doi.org/10.47390/B1342142022N3>.
9. Анализ и оценка кредитоспособности заёмщика : учебно-практическое пособие / Д.А.Ендовицкий, И.В.Бочарова. — М. : КНОРУС, 2005. - 272 с.
10. Ендовицкий Д.А., Бахтин К.В., Ковтун Д.В. Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, 2016. 376 с.
11. Лиференко Г.Н. Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.-М.: Экзамен, 2005. с.160.